БУЮК ШАХС ФОЖЕАСИДАГИ ГЕДОНИЗМ КЎРИНИШЛАРИ

Г.ЭШЧАНОВА

В статье на примере трагедии Максуда Шейхзаде "Мирзо Улуғбек" обсуждается вопрос о гедонистической функции художественной литературы.

On the bases of the tradedy 'Mirzo Ulugbek' by Maqsood Shayhzoda the author tries to express his opinion on the 'hedonist' functions of the belles-lettres.

Шундай асарлар бўладики, у қайси жанрда бўлишидан қатъий назар, ўқиш жараёнида сатрлардаги ажойиб бир тароват, чуқур тафаккур сизни сеҳрлаб, қалбингизни нурга тўлдириб, ақл ва хаёлот оламингизни кенгайтириб, эзгуликка ошно этади, сизга чексиз ҳузур бағишлайди, маънавий оламингизни кенгайтириб, сизни комиллик сари етаклайди. Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" трагедияси ана шундай қудратга эга асарлар сирасига киради. Чунки бу асар ижодкорнинг юксак билим ва маҳорати маҳсулигина бўлмай, ижодкорнинг қалб ҳароратига йўғрилган. Асар воқелигига моҳирлик билан жо қилинган интелектуал ҳаёт тарровати, қаҳрамонларнинг илиқ бир меҳр билан яратилганлиги ўқувчи руҳиятида таҳликали бўлса-да, қандайдир ҳузурбахш эстетик кечинмаларнини юзага келтиради. Асарни ўқиш жараёнида китобхонни номаълум бир сирли олам ўзига жалб этади. Асардаги яхшилик ва ёмонликнинг ёнмаён ҳаракатида эзгулик ғалабасига умидвор қаҳрамонларга ҳамдардлик ҳисси билан воқеаларни ички бир ҳадикда кузатар экан, ўқувчи трагедия воқеаларини бадиий идрок эта бориб, ўзи сезмаган ҳолда бевосита асар қаҳрамонлари оламига кириб, улар билан бирга яшай бошлайди, бирга қувониб, бирга изтироб чекади. Воқеалар оламида

Мирзо Улуғбек билан биргаликда давр зиддиятлари ичра ўзлигини, инсоний моҳиятини топишга интилади. Улуғбекнинг бахти ва фожиасини ҳис этади. Бизнингча асар муваффақиятининг сабаби ҳам худди шунда, яъни инсонний бахт ва фожианинг ўзаро уйғунликдаги тасвиридадир. Жаҳолат ва зулмат ҳукмронлик қилган даврда илм машъалини маёқ қилиб олға интилган Улуғбекнинг фожиаси унинг инсонийлигини янада юксалтириб, ҳақиқий бахтини – мангуликка даҳлдорлигини намоён қиладики, ўқувчи бу ҳолатни англаб руҳиятида енгиллик ҳис қилади. Фируза, Али Қушчи, Ота Мурод, Саккокий сингари бир қатор ижобий образларнинг илм-фан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари, қалбларни тўлқинлантирувчи кучли ҳаяжон ва "туйғулар туғёни, нозик ва кескир ақл-заковат учқунлари, ўйноқилиги билан ақлни тонг қолдирувчи ҳам заҳарханда, ҳам аламли" [1.55] тарихий ва ҳаётий воқеалар таъсирида дил тубидаги туйғулар бош кўтариб, маънавий олами нурланиб кетади.

Асардаги М.Шайхзодага хос мушоҳадалилик ва теран туйғулар ифодаси, қаҳрамонлар нутқидаги аниқлик, юксак бадиият, чуқур маъно ва самимият билан йўғрилган ҳар бир сўз, мисра ўқувчини мафтун этади. Ўқувчи трагедияни мўъжиза кутиб, қалби таҳликаларда ўртаниб, жаҳолат олами билан курашиб, юраги ажиб бир завқдан эзилиб, мавҳум бир ҳузур-ҳаловатга интилиб ўқир экан, унинг туйғулари бевосита қаҳрамонлар туйғуси билан уйғунлашиб, улар ҳаётини ўз ҳаётидек қабул қилиб, фикрлари равшанланиб, тўлқинланиб боради. Айниқса, кенг илмий тафаккур ва эзгу ниятлар соҳиби Мирзо Улуғбекнинг шарқ донишмандлиги ва ҳаёт тарзини ўзида мужжассам этган қуйидаги сўзлари орқали аллома руҳий ҳолатини ўқувчи тўла ҳис этади ва буюк зот маънавиятидан баҳраманд бўлади.

Маърифатнинг шайдолиги шундай севгики,
Ўчирай деб пуфлаганда сўнмай, янада
Ёлқинланиб оловланган гулханга ўхшар.
Гўдакликдан юлдузларга бўлдим ошуфта…
Эсимдадир, бир кун устоз Қозизоданинг
Қўлларидан ўпганимни кўрганда бобом,
Менга танбеҳ бериб: – Ўғлим! – деган эди у,
Эркак қўлин, Афлотун ҳам бўлса у киши,
Шаҳзодалар ўпмоқлиги буткул ножўя,
Дунё сенинг оёғингни турмоғи лозим!...
Оғир бўлди қисмат менга ортган вазифа.
Мен султонлар ўртасида бўлдим донишманд,
Донишмандлар тепасида султон саналдим.
[2.13]

Чуқур лиризм ва гуманизим билан суғорилган бу монологда Улуғбекнинг кечинмалари орқали мазкур тарихий даврнинг руҳини англаган ўқувчи ушбу зиддиятларга тўла даврда ҳам ўзликни англашга бўлган интилишларини тушуниб етади, худди шу қарашларнинг таъсирида маънавият орқали эришилган ҳузур-ҳаловатнинг нақадар юксаклигини туяди ва шу туйғу шарофати билан кундалик ташвишларнинг тор доирасидан чекиниб, эзгулик ва нафосат оламига қадам қўяди. Шу тариқа трагедия воқеалари давомида Улуғбекка эргашиб, унинг оламига сингиб, маълум муддат ўз оламидан узилган ҳолда асар оламида яшаб, Улуғбек билан биргаликда жаҳолат ва разолатга қарши курашиб, бу курашдан қандайдир мўъжиза кутиб, ўз руҳиятида, қалбида мавҳум бир таҳликаларни сезса-да, қандайдир умидбахш завққа ошно бўлганча эзгулик ғалабасига умид боғлаб, асарни ички бир энтикиш билан ўқишда давом этади. Асардаги ҳаяжонли воқеалар, бир-бирига боғланган эпизодлар ўқувчида яхлит бир эстетик туйғуни юзага келтиради. Худди ана шудай туйғулар оғушидаги ўқувчининг юраги покиза муҳаббати туфайли ғийбат ва туҳматлар гирдобида қолган соф қалбли Фирузанинг:

... Ёлғон, туҳмат! Бағри тошлар уйдирган
иснод.
Билинг, сизга айтганлари фитна-ю, фасод!
Тошбўрондан, сиртмоқлардан қўрқмайман
асти,
Ишончингиз йўқотмоғим ўлимдан
баттар!..[2.112]

– дея, разолатга ошно нопок кимсаларнинг туҳматларидан келган азобли кечинмаларини ўқиган ўқувчи, унинг дардкашига айланади, унга гўзаллик ва эзгулик тимсоли сифатида қараб, ундан лаззатланиб, қалбига ана шу эзгуликни жо қилади. Улуғбекнинг:

Султонларнинг насибаси шу таҳлит экан,
Сиёсатга қурбон экан уларнинг қалби.
Зеро, ҳазрат, яхши билинг ва унутмангки,
Шоҳ хотини бўлса ҳамки, мутлақ бегуноҳ,
Унинг номи ҳар хил гапдан, шубҳадан, сўздан
Холи бўлиб, олий бўлиб турмоғи лозим,
Эл оғзида чайналмоғи балойи азим.
Фирузани сева-сева талоқ бераман! [2.116] –

сингари алам ва дардга йўғрилган фиғонларидан эзилади. Аллома қалбидаги зиддиятларни намоён этиб, руҳиятининг исёни тарзида жаранглаган сўзлари таъсирида аҳлоқий муносабатларни тор доирада тушунувчи даврга нисбатан, Улуғбек ва Фируза сингари юксак билим ва истеъдод эгаларининг ҳукмрон жамият муносабатларига сиғмаган кенг қамровли дунёқарашларининг исёнини тўғри тушунган ўқувчи воқеалар оқимида қаҳрамонлар

билан бирга изтироб чекади. Айнан ана шу изтироб жараёнида унинг қалбида ажиб бир руҳий-маънавий жараён юзага келиб, ижодкор қалбининг покиза дардлари билан йўғрилган бадиий оламига бирлашиб, бахт ва фожианинг ораси бир қадамлигини, бахтнинг ўзи аччиқ дардлигини ва унга етиб бўлмасликни тушуниш фожиа [3.171] эканлигини англайди ва бу фожиага малҳамни асардан излайди. Ҳамдардлик туйғуси ўқувчини асар воқеаларига янада жипслаштиради, бу муштараклик таъсирида мўъжизаларга интиқ қалб таҳликалар ичра воқеалар ривожини кузатади. Жаҳолат оламининг вакиллари бўлмиш, Абдулатиф, Сайид Обид, Аббос, Фармоншоҳ сингари ҳиёнаткор кимсалар билан курашади. Бу кураш унинг руҳиятида зиддиятли кечинмаларни юзага келтиради.

Хусусан, асар ниҳоясидаги Улуғбекнинг:
Васиятим, васиятим! Ким ҳам эшитгай.
Мулким йўққи, бировларга мерос қолдирсам,
Хазинам йўқ бировини бойитиб қўйсам.
Меросимдир китобларим ва жадвалларим.
Бир мероски, замон уни маҳв этолмайди,
Бир мероски, ворислари бу ватан аҳли,
Бир мероски, баҳра топар ундан ер юзи.
Эсиз, эсиз, ватанимга сўнг хитобимни
На бировлар эшитади ва на ёзмоққа –
Бу бойловлиқ ва ярадор қўлим қодирдир.
Ёвуз душман олдида мен бойловлиқ қўлим,
Парвардигор бундан ортиқ бормикан зулм? – сўзлари шунчаки битта қалб туғёни эмас, балки ўқувчи қалбининг ҳам туғёнига айланади. Ю.Ц.Скалигернинг фикрича: “Поэзия сиёсатнинг бир жузвини ташкил қилиб, сиёсий фаолият билан ўзига хос алоқада бўлади, зеро, қонун амрлари, нотиқ ва ҳукмдорларнинг халққа мурожаатлари – буларнинг бари поэзия туфайли маълум гўзаллик ва жозиба касб этиб, фуқароларни тарбиялашга хизмат қилади” [4]. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, юқорида келтирилган алломанинг қалби ва руҳиятини тўлалигича намоён этувчи монологи нафақат Улуғбек образининг кулминацияси бўлганлиги туфайли, балки унда тарихий воқелик ўзига хос “гўзаллик ва жозиба”ни мужассамлаштирганлиги туфайли ўқувчи онги ва туйғулари ундан маънавий қувват олади. Асарни ўқиш жараёнида ўқувчи руҳиятида юз берадиган эстетик кечинмалар: завқ, меҳр, қувонч, ғазаб, нафрат, изтироб ва ҳокозалар таъсиридаги маънавий қониқиш ёки қониқмаслик гўзалликдан завқланиш, ёмонликдан жирканиш гедонизмга хос хусусиятлардан бири эканлигини назарда тутадиган бўлсак, сўз санъатининг инсонга таъсир этиш имкониятларидан тўғри фойдаланган Шайхзода буюк инсон фожиасини унинг покиза туйғуларига йўғрилган тарзда ифода этиши туфайли ўқувчида кучли “романтик ҳайратланиш” ва эстетик завқ заминида ижобий характерга эга бўлган маънавий гедонизмнинг вужудга келишига эришганлигини эътироф этса бўлади. Асар воқеаларини тадқиқ этар эканмиз, Филлип Сидни таъкидлаганидек, Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” фожиаси орқали ўқувчини “ҳузурлантиришдан кўзлаган мақсади кишиларни эзгуликка ошно этиш, зеро, агар эзгуликнинг қиёфаси ҳузур бахш этмаганида эди, одамлар ундан бегонадай ўзларини тортган бўлур эдилар; ... таълим беришдан мақсади одамларга ўзлари ошно бўлаётган эзгуликни англатишдир” [4], – деган хулосага келамиз.

Ушбу мақола мақсади – адабиётнинг ижтимоий-эстетик вазифаларидан бири бўлган гедонистик вазифа ижобий характерга эгалигини, адабиёт инсонга ҳузур бағишлаш орқали уни тарбиялашини ҳамда бадиий сўз ёрдамида борликдаги, инсонлардаги ботиний ва зоҳирий гўзалликни ҳис этиш турмуш тарзини белгилашга ёрдам беришини, сўз моҳиятан инсонни моддийлик оламига эмас, ҳиссиётлар – туйғулар оламига етаклаб, уни дунёвий ва илоҳий комиллик сари йўллаб, унда ижтимоий-эстетик фазилатларни камол топтирувчи куч эканлигини кўрсатиш. Таълим жараёнида талаба ва ўқувчиларимизга адабиётнинг қамрови кенглиги, инсон нафосатининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатувчи эстетик ҳис-туйғулар мажмуи эканлиги, бу эстетик ҳис-туйғулар мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида тафаккур, нафосат, ҳамоҳанглик, уйғунлик каби тушунчаларни бирлаштириш баробарида шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, лаззатланиш, эҳтиром, нафрат каби тушунчаларни ҳам қамраб олиши гедоник кўринишлар эканлигини англатиш масъулиятидир.

Адабиётлар:

1. Белинский В.Г. Адабий орзулар. Тошкент. 1977й, 55-бет.
2. М.Шайхзода. Мирзо Улуғбек. Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти.1994, 13-бет
3. Қаршибоев М. “Руҳнинг мангу қўнғироғи”. // Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам.-Т.,1990.171-бет.
4. Quronov D. Rahmonov B. “G’arb adabiy tanqidiy tafakkuri ocherklari”. Мажмуа. http://www. quronov.narod. ru/

Тошкент вилоят давлат педагогика институти,
2012 йил 22 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Мирзаева)